

«Gross sug'urta kompaniyasi» AJ

Ягона акциядорининг

2022 йил 9 март даги

05 - қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Жамият ягона акциядори

Ф.Б. Аҳмеджанов



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ

ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ

НИЗОМ

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари
- III. Акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқи. Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакиллари рўйхатдан ўтказиш
- IV. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик қўриш
- V. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик қўриш
- VI. Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми
- VII. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари
- VIII. Акциядорлар умумий йиғилишни олиб бориш тартиби
- IX. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни
- X. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини бажариш

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур низом «**Gross sug'urta kompaniyasi**» AJ нинг акциядорлари умумий йиғилиши мавқеини белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

1.2. Мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамоиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни ва «**Gross sug'urta kompaniyasi**» AJ нинг (матн бўйича —Жамият) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиш шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномаларнинг муддатини узайтириш, уларни қайта тузиш ёки бекор қилиш масалалари ҳал этилади, шунингдек, Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва мазкур низомнинг 2.1. бандида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан бошқа ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

1.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг ижроия органи томонидан белгиланади.

1.7. *Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Жамият устави ва ушбу Низом билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда қонунчилик ва ушбу низомда кўзда тутилган*

акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгилловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИГИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйдагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳамда тегишли хужжатларни (акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини) тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ички Низомларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбари ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
- Жамият тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, Тафтишчига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун

хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтишчисининг ҳулосаларини эшитиш;

- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 35 – моддасида назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9 – бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан йирик ва аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг қўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- Жамиятда ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш;

- Жамиятнинг захира фондидан фойдаланиш;

- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- Жамиятнинг шўба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият акциядорлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди.

III. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИГИЛИШИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.2. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

3.3. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар фақат реестр тузилган санада кўрсатиб ўтилган реестрга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки уни тузишда йўл қўйилган хато тузатилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.4. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

3.5. Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар, уларни ваколатли вакиллари, сапоқ комиссияси, ички аудит хизмати ходимлари, аудиторлик текширувини ўтказган аудиторлик ташкилотининг вакили, ижроия органи аъзолари, Тафтишчи ва бошқалар Бошқарув раисининг таклифига биноан акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга.

3.6. Жамиятнинг ижроия органи аъзолари ва Тафтишчи, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказган аудиторлик ташкилотининг вакили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ўз органи ҳисоботи билан иштирок этиши шарт.

3.7. Жамиятнинг Тафтишчисига ва ижроия органига номзодлари кўрсатилган шахслар ўз номзодларининг кўриб чиқилиши белгиланган акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиши мумкин.

3.8. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс вакилининг ишончномаси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт. Юридик шахс вакилининг ишончномаси ушбу юридик шахс раҳбарининг имзоси ёки ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

3.9. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

3.10. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.

3.11. Юридик шахс (Жамият акциядори) раҳбари умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

3.12. Юридик шахснинг (Жамият акциядорининг) вакили акциядорлар умумий йиғилишида ушбу юридик шахс раҳбарининг имзоси ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

3.13. Агар Жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

3.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрига мувофиқ ушбу Низомнинг 1-илоvasидаги шакл бўйича қайд этиш рўйхати тузилади.

3.15. Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб раками қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.16. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва Жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини оладилар (2-илова).

3.17. Агар йиғилиш катнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетен берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қаршисига «_____та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича «_____» да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ушбу низомнинг 1.3-бандида белгиланган муддатда ўтказиш ва сифатли тайёргарлик кўриш учун Жамият ижроия органи қуйидагиларни амалга оширади:

- *Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан танланган аудиторлик ташкилоти билан мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун шартнома тузиш, шунингдек, халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига асосан молиявий ҳисоботларни тузиш, халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказиш бўйича шартномада текширув тугашининг аниқ муддатини кўрсатиш;*

- *халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларни ташқи аудит ўтказилгандан кейин ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш белгиланган санадан икки ҳафта олдин эълон қилинишини таъминлаш;*

Шунингдек, Жамият ижроия органи қуйидагиларни ишлаб чиқади (тайёрлайди):

- *умумий йиғилишни ўтказиш регламенти, соф фойдани тақсимлашда (зарарларни қоплаш) ҳар бир йўналишнинг асосланишини ва умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган бошқа ҳужжатлар, шунингдек, санақ комиссиясини тузиш бўйича таклифлар лойиҳаси. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қун тартибига киритиш учун, шунингдек, Жамият Тафтишчилигига кўрсатилган номзод ва бошқа маълумотлар тўғрисидаги акциядорларнинг таклифларини умумлаштириш;*

- *Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бизнес-режаси, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини;*

- *Жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши ва ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботи, мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов ўтказиш;*

4.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда Жамиятнинг ижроия органи қуйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказиш ва акциядорларни хабардор қилиш учун Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма бир кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 кун олдин Корпоратив ахборот ягона порталида, жамиятнинг расмий веб – сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. (3-илова).

4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга (давлат вакилига) тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

4.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга (давлат вакилига) тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия – хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият Тафтишчисининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамиятнинг Тафтишчисига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси ва кун тартиби бўйича бошқа зарур маълумотлар киради.

4.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.8. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин олти кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритиш, Жамият Тафтишчилигига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга, номзодларни умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан таклиф киритиш ҳукукига эга (4-илова).

4.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

4.10. Жамият Тафтишчисига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми – шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.11. Жамиятнинг ижроия органи тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда мазкур низомнинг 4.8. бандда белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.12. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамиятнинг Тафтишчисиликка сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- *ушбу низомнинг 4.8. бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;*
- *акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг ушбу низомнинг 4.8. бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;*
- *ушбу низомнинг 4.9. бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;*
- *таклифлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.*

4.13. Акциядорлар (акциядор) Жамият Тафтишчисиликка ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

4.14. Жамият ижроия органининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Тафтишчилигига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.15. Жамият ижроия органининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Тафтишчисиликка сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият ижроия органининг қарорига кўра:

- *унинг ўз ташаббуси асосида;*
- *Тафтишчининг ёзма талаби;*
- *ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида (5-илова) ўтказилади.*

5.2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.3. Агар навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ижроия органи ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини киритиш белгиланган тақдирда, шундай йиғилиш кун тартибига ижроия органининг янги таркибини сайлаш масаласи тўғрисидаги таклифлар киритилган бўлиши шарт.

5.4. Жамият Тафтишчисининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади.

5.5. Жамиятнинг ижроия органи Жамият Тафтишчисининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидagi масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.7. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.8. Жамиятнинг Тафтишчиси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Жамият ижроия органи акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.9. Жамият Тафтишчисининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- *акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу низомнинг 5.1. бандида назарда тутилган миқдордаги Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;*
- *кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;*
- *кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.*

5.10. Жамият ижроия органининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.11. Жамият ижроия органининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.12. Жамият ижроия органи ушбу низомнинг 5.9. бандида белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

5.13. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга Жамият ижроия органи ёки акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахслар қонунчиликда ва ушбу Низомда ўрнатилган тартибда тайёргарлик кўради.

VI. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

6.2. Агар йиғилиш бошланиши белгиланган вақтдан олтмиш минутдан ортиқ вақт давомида акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

6.4. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар ушбу низомда ва Жамиятнинг Уставда назарда тутилган тартибда, шаклда ва муддатларда амалга оширилади.

6.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

VII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Қуйидагилар умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади: йиғилиш раиси, саноқ комиссияси, котиб (котибият).

7.2. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишида сайланади.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Умумий йиғилиш раиси йиғилиш ўтишига раҳбарлик қилади, ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

7.5. Акциядорларнинг талабларига кўра, умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш ваколатига эга. Умумий йиғилиш раиси йиғилиш баённомасини имзолайди.

7.6. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият ижроия органи томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.7. Санок комиссиясининг функциясини бажариш учун жалб этилган мустақил экспертлар санок комиссияси ишини амалга ошириши мумкин.

7.8. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига Жамият Тафтишчиси, Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади.

7.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

7.11. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан факат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

7.12. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан ушбу Низомининг 7.11. бандида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

7.13. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият ижроия органи томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.14. Санок комиссияси унга юклатилган вазифаларни бажариш масаласида мустақил иш юритувчи йиғилишнинг ишчи органи ҳисобланади. Санок комиссияси фаолияти «Санок комиссияси тўғрисида» ги Низоми билан тартибга солинади.

7.15. Санок комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан санок комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача амал қилади.

7.16. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида санок комиссияси ижроия органининг топшириғига кўра қуйидаги функцияларини амалга оширади:

- *акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;*
- *овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.*
- *умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказиш;*
- *ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;*
- *овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни тарқатади;*
- *акциядорлар умумий йиғилиши кворуми бор ёки йўқлигини аниқлайди.*
- *акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;*
- *овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;*
- *овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;*
- *овозларни санайди ва овоз бериш яқунларини чиқаради;*
- *овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;*
- *овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.*

VIII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

8.1. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур низомга мувофиқ тасдикланади.

8.2. Бошқарув раиси умумий йиғилишнинг раёсатини ва котибини шунингдек зарур бўлган ҳолларда санок комиссиясини янги таркибини сайлашни таклиф этади.

8.3. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиш вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, қун тартиби масалаларининг изчиллигини, қун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутди.

8.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият ижроия органининг мукофот ва компенсациялари миқдори, шунингдек, тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Жамият дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши (зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланиши) батафсил ошкор этилади (эълон қилинади).

8.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси йиғилиш ўтиш пайтида пайдо бўлган масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг ҳар бир қатнашчисига белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқини беришни яқка ўзи ҳал этади.

8.6. Қун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибиятига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда ёзма талабнома беришлари лозим.

8.7. Жамият акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиши имконини беради.

8.8. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпик деб эълон қилади.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИГИЛИШИНING БАЁННОМАСИ

9.1. Умумий йиғилиш котибиятининг сон ва шахсий таркиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

9.2. Умумий йиғилиш котибияти:

- умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд этиб боради;
- ёзма буюртманомалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;
- умумий йиғилиш тамом бўлгандан сўнг ўн кундан кечиктирмай акциядорлар умумий йиғилиши баёнини икки нусхада тузади.

9.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби;
- маърузаларнинг асосий қондалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар;
- акциядорлар умумий йиғилиши аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляцияси орқали ўтган тақдирда, ушбу маълумотлар кўрсатилиши лозим.

9.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Баённоманинг ҳар иккала нусхаси ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.5. Санок комиссияси баёни йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилиниб, умумий йиғилиш баённомасига қўшиб қўйилиши керак.

9.6. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни имзолангандан сўнг санок комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан умумий йиғилишнинг рўйхатдан ўтиш рўйхатини, санок комиссияси аъзолари томонидан муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баёнини ва акциядорлар умумий йиғилиши баёнини сақлаш учун Жамият архивига топширади.

X. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИГИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим факт тўғрисидаги маълумотларни корпоратив ахборотларнинг ягона портали ва Жамиятнинг расмий веб – сайтларида ошкор қилиш йуллари билан етказилади.

10.2. Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари бажарилишини таъкиллаштиради.

10.3. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган ва баёнда акс эттирилмаган бўлса, Жамият ижроия органи амалга оширади.

10.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли ва қонунчиликка зид бўлмаган қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.


О.Назаров



А.Рахматуллаев




Б.Пулатов



И.Норқобилов



М.Кобилов



20__ йил «__» _____ куни бўлиб ўтадиган «Gross sug'urta kompaniyasi» AJ акциядорларининг навбатдаги йиллик / навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этишга ҳақли акциядорлар рўйхати

Акциядорлар рўйхати 20__ йил «__» _____ кунига Марказий рўйхатдан ўтказувчи томонидан шакллантирилган реестр асосида тузилган
Овоз берувчи акциялар сони - _____ дона

№	Акциядор номи	Овоз берувчи акциялар сони	Акциядор имзоси	Акциядор вакили иштирок этганда тўлдирилади				
				Акциядор вакилининг Ф.И.Ш.	Ишончнома раками	Ишончнома санаси	Овоз берувчи акциялар сони	Вакилининг имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Жами:

Саноқ комиссияси аъзолари:

«Gross sug'urta kompaniyasi» AJ

20__ йил «__» _____ куни бўлиб ўтадиган навбатдаги йиллик/навбатдан ташқари умумий
йиғилишида овоз бериш учун
_____ Бюллетень

(Акциядорнинг тўлиқ номи)
соғни)

(овоз берувчи акциялар

(Акциядор вакилининг тўлиқ номи)

№	Овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи	ёқлайман	қаршиман	бетарафман

БИЛДИРИШНОМА

«Gross sug'urta kompaniyasi» AJ акциядорларининг диққатига

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

«Gross sug'urta kompaniyasi» AJ акциядорларининг навбатдаги йиллик / навбатдан ташқари умумий йиғилиши 20_ йил “_” _____ кuni, _____ манзили бўйича ўтказилади.

Йиғилиш соат _____ да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат _____ дан бошланади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри 20_ йил “_” _____ ҳолатига тузилади.

Жамиятнинг _____ расмий _____ веб-сайти _____ ва _____ электрон _____ почта _____ манзили: _____

Йиғилиш кун тартиби:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик / навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан «Gross sug'urta kompaniyasi» AJ да ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат _____ дан _____ гача танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: _____

Акциядорлар умумий йиғилиши
тўғрисидаги Низомига
4 - Илова

«Gross sug'urta kompaniyasi» AJ

Акциядор _____нинг Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритиш тўғрисидаги
таклифи

Жами акциялар сони: _____ та
шу жумладан:

овоз берувчи акциялар сони _____ та («Gross sug'urta kompaniyasi» AJ жами овоз берувчи акцияларнинг камида 1%)
имтиёзли акциялар сони _____ та

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилаётган масала, уни қўйиш сабаблари:

Жамият Тафтишчисига номзод (Ф.И.Ш., иш жойи, эгаллаган лавозими, унга тегишли акциялар сони ва тури):

«Gross sug'urta kompaniyasi» AJ

Акциядор _____нинг акциядорларнинг навбатдан ташқари
умумий йиғилишини чақириш ҳақидаги талаби

Жами акциялар сони: _____ та

шу жумладан:

овоз берувчи акциялар сони _____ та («Gross sug'urta kompaniyasi» AJ жами овоз берувчи акцияларнинг камидан 1%)

имтиёзли акциялар сони _____ та

Талабнинг мазмуни (акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилишининг сабаби)

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилаётган масала, уни қўйиш сабаблари:
